



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ

Қ А Р О Р И

№ 998

2022 й. "24" сентябрь

№ 21/8

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши
курашишга оид ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги” қонунларида белгиланган коррупцияга қарши курашишга оид талабларини амалга ошириш ҳамда Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида, Марказий банк бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш тўғрисидаги Низом 2-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш тўғрисидаги Низом 3-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни ўрганиш тўғрисидаги Йўриқнома 4-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ходимларни этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома 5-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида контрагентларни ўрганишга оид Йўриқнома 6-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти 7-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ходимларнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувларини ўтказиш Регламенти 8-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти 9-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти (Ш.Қуваталиев) Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидаларни амалиётга татбиқ этилишини ҳамда уларнинг самарадорлиги мониторинг қилиб борилишини таъминласин.

3. Кадрлар билан ишлаш департаменти (В.Хамрокулов) ҳамда Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти (Ш.Қуваталиев) мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, бир ой муддатда барча ходимларни Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички меъёрий ҳужжатлари талаблари билан таништиради, ўқув семинарларини ташкил этилишини таъминласин.

4. Марказий банк Бошқарувининг 2001 йил 23 июндаги 14/12-сонли қарори билан тасдиқланган “Марказий банк тизимида Хизмат текширувлари ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда Марказий банк Бошқарувининг 2020 йил 26 декабрдаги 28/24-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати” ўз кучини йўқотган ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раиси ўринбосари Б.Ю. Абубакиров зиммасига юклатилсин.

Марказий банк раиси



М.Б. Нурмуратов

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг
2022 йил “24” сентябрдаги
21/8 - сонли қарорига
7 – илова
№ 998

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш

РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг марказий аппаратида, ҳудудий бош бошқармаларида ва тасарруфидаги ташкилотларида (кейинги ўринларда - Марказий банк тизими) коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли таъсир чораларини кўришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Регламент Марказий банк тизимидаги алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишлашнинг асосий тамойиллари, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, Марказий банк раҳбариятига ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилайди.

3. Мазкур Регламентда “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати”да белгиланган атамалар ҳамда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

алоқа канали - Марказий банкнинг расмий веб-сайти, электрон почтаси, тизимидаги ишонч телефон рақамлари, ҳамда бошқа каналлар орқали келиб тушадиган таалуқли хабарларни қабул қилиш воситаси.

тааллуқли хабар – Марказий банк тизимидаги коррупциявий ҳаракатлар ва манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган хабар;

мурожаатчи - алоқа канали орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун мурожаат қилган ҳар қандай жисмоний ва юридик шахс вакили ҳамда ходим;

4. Марказий банк тизимида коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ахборот беришга мўлжалланган алоқа каналининг иши қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади:

конфиденциаллик - алоқа канали орқали келиб тушган хабарлардан фойдаланишга рухсат берилган ваколатли шахсларга ушбу хабарларни ошкор қилиш тақиқланади;

муурожаатчи билан қайта алоқа ўрнатиш - агар хабар аноним бўлмаса, уни кўриб чиқиш натижалари муурожаатчига етказилиши лозим;

таъсир чораларини қўллаш - хабар тасдиқланган тақдирда, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш қонунчилик ҳамда ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳаракат қилинади.

5. Марказий банкнинг алоқа канали тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқдаги саҳифа ва каналларига жойлаштирилади, шунингдек, ходимларга даврий равишда ўқув материаллар ва тарқатмалар юборилади.

2-боб. Алоқа каналлари орқали келиб тушаётган таалуқли хабарларни қабул қилиш

6. Марказий банкнинг алоқа каналидан келиб тушган таалуқли хабарларни кўриб чиқишга Ички назорат тузилмаси масъул ҳисобланади.

7. Алоқа каналидан келиб тушган таалуқли хабарлар “Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги намунавий низом ва Марказий банкнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом талабларида назарда тутилган тартибда рўйхатга олинади.

8. Таалуқли хабар келиб тушганда хабарни иловада келтирилган “Марказий банкнинг алоқа канали орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш Реестри”да (кейинги ўринларда - Реестр) рўйхатга олинади ва маълумотни Марказий банк раҳбариятига киритади.

Ички назорат тузилмаси масъул ходими душанбадан жумагача соат 09:00 дан 18:00 га қадар келиб тушадиган хабарларни таҳлил қилади. Агар хабар иш вақтидан ташқари пайтда келиб тушса, бу хабар навбатдаги иш кунда аниқлаштириш учун сақланади.

9. Агар муурожаатчи ўз хабарини тасдиқлаш учун қўшимча материалларга, масалан, фотоматериаллар, ҳужжатлар, аудио ва видеоёзувларга эга бўлса, муурожаатни қабул қилишга масъул ходим уларни тақдим этиш бўйича фойдаланиладиган алоқа канали орқали қабул қилиши, ҳамда маълумотлар таалуқли хабарга илова сифатида расмийлаштирилишини таъминлайди.

10. Аноним тарзда келиб тушган муурожаатларни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартибда амалга оширилади.

11. Ходимлар томонидан олинган хабарларни кўриб чиқиш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этилишининг сабаб ва шароитлари ҳам таҳлил қилинади. Келгусида уларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилади.

12. Тааллуқли хабар ҳудудий бош бошқармаларга ва тасарруфдаги ташкилотларга келиб тушганда, уни қабул қилган масъул ходим зудлик билан раҳбарни ва Ички назорат тузилмасини хабардор қилади.

Ўз навбатида Ички назорат тузилмаси шу куннинг ўзида тааллуқли хабар юзасидан Марказий банкнинг марказий аппаратидаги Ички назорат тузилмасини хабардор қилади.

13. Ҳудудий бош бошқармалар ва тасарруфдаги ташкилотлар ҳам Реестр юритилади.

3-боб. Тааллуқли хабарларни кўриб чиқиш

14. Ички назорат тузилмасига келиб тушган барча таалуқли хабарни кўриб чиқишга Марказий банк раҳбарияти топшириғига асосан бошқа бўлинма ходимлари жалб этилиши мумкин.

15. Таалуқли хабарни кўриб чиқиш жараёнига, ҳаракатлари устидан таалуқли хабар келиб тушган ёки кўриб чиқиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ходимларни жалб қилиш ман этилади.

16. Тааллуқли хабар келиб тушганда Ички назорат тузилмаси 5 (беш) иш куни ичида хабарда кўрсатилган маълумотни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка ёки манфаатлар тўқнашувига тегишлилиги юзасидан дастлабки ўрганишни ўтказди.

17. Дастлабки ўрганиш натижасига кўра хабар таалуқли эмас деб топилганда, бу хабар Марказий банкнинг тегишли таркибий тузилмасига йўналтирилади.

18. Хабарда коррупциявий ҳаракатлар ва манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумот ҳамда хизмат текширувини ўтказиш учун асослар етарли бўлганда, Ички назорат тузилмаси белгиланган тартибда хизмат текширувини ўтказиш ташаббуси билан чиқади.

19. Тааллуқли хабарларни кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

20. Тааллуқли хабарларни кўриб чиқиш якунларига кўра, жавоб хати тайёрланади ва белгиланган тартибда мурожаатчига юборилади.

21. Ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар орқали келиб тушган таалуқли хабарга жавоб мурожаатчига электрон шаклда ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ёки телеграм-бот орқали юборилиши мумкин.

4-боб. Ҳисобдорлик

22. Реестрдан Ички назорат тузилмаси ходимлари, хабарларни кўриб чиқишда иштирок этган тегишли бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг ходимлари (фақат шундай хабарларга доир), Марказий банк Раиси ва унинг ўринбосарлари фойдаланиши мумкин.

23. Реестр маълумотлари асосида Ички назорат тузилмаси ҳар чоракда Марказий банк раҳбариятига қабул қилинган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисидаги хабарларга тааллуқли бўлган ҳисоботни тақдим этади.

5-боб. Якуний қоида

24. Мазкур Регламент, мурожаатлар ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда қайта кўриб чиқилиши лозим.

Департамент директори



Ш. Қуваталиев

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатги-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламентига илова

Марказий банкнинг алоқа каналли коррупциявий хатги-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш РЕЕСТРИ

Т/р	Хабар келиб тушган сана	Ҳудуд	Хабарнинг тоифаси (коррупциявий хатги-ҳаракат, манфаатлар тўқнашуви)	Мурожаатлар билан ишлаш тизимида рўйхатга олинган сана ва рақами	Хабар юборилган алоқа каналли	Мурожаатчи маълумотлари (жисмоний ёки юридик шахс, қайта алоқа маълумотлари)	Хабарнинг қисқача мазмуни	Хабар таалукли бўлган тузилма	Кўриб чиқиш натижалари каноатлангирилди/ тушунтириш берилди/ кўрмасдан қолдирилди	Мурожаатчига жавоб юборилган сана ва хат рақами	Ижрочи	Хабарни кўриб чиққан тузилма раҳбари	Изоҳ
1.													
2.													
...													